

**БИЛИАР АТРЕЗИЯ ХАСТАЛИГИНИ ЭРТА СКРИНИНГ ДАСТУРИ: ХАСТАЛИККА  
ЧАЛИНГАН БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШНИНГ МУХИМ ВОСИТАСИ****Туйчиев Г.У.<sup>1</sup>, Алиев М.М.<sup>3</sup>, Нематжонов Ф.З.<sup>2</sup>, Мирзакамолова Ф.А.<sup>1</sup>**Kokand university Андижон филиали<sup>1</sup>, Тошкент педиатрия тиббиёт институт,  
Андижон давлат тиббиёт институти<sup>3</sup>

**Аннотация.** Жамиятнинг келажаги (чақалоқларнинг) касалликларини олдини олиш учун туғма касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумот берилган. Тиббиётда уларни даволаш ва натижалар тўғрисида тушунтирилган.

**Калит сўзлар:** билиар атрезия, Касаи, холестази, СКРИНИНГ, Stoolcolorcard.

**Кириш.** Бугунги кунда бутун дунёда обструктив холестази эрта ташхислаш болалик давридаги гепатобилиар хирургияни долзарб муаммоларидан биридир. Билиар атрезия ва умумий ўт йўлининг кисталари болалик даврида жигар ва ўт йўллариининг энг кўп учрайдиган туғма касалликларидир.

Билиар атрезия (БА) –янги туғилган чақалоқларда обструктив холестазининг энг кўп тарқалган сабабчиси бўлиб, эрта неонатал даврида кечиктириб бўлмайдиган жаррохлик амалиётини талаб килади. Ўзбекистон Республикасида БА билан касалланиш янги туғилган болалар орасида ўртача 1-10000 -1/15000 нисбатда учрайди. Шу билан бир каторда ҳозирги кунда болаларда ўтказилинадиган жигар трансплантацияларини асосий қисми БА касаллиги туфайли ривожланадиган жигар билиар циррози сабабли амалга оширилмоқда. Бу эса БА хасталиги эрта ташхис мезонлари, жумладан СКРИНИНГ дастурларига зарурат борлигини кўрсатди.

Ушбу дастурларни етарлича ишлаб чиқилмаганлиги, ёки дастурлардан маълум давлатларгина фойдаланиши касалликга ўз вақтида ташхис қўйишдаги сезиларли бўшлиқ хисобланади.

**Мақсад.** Мавжуд адабиётлар ва тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида, СКРИНИНГ дастурларини ишлаб чиқиш, ушбу дастурларни шифокор ва оналар орасида амалиётга қўллаш.

**Материаллар ва тадқиқот усуллари.** Сўнги ўн йил ичида чоп этилган етакчи илмий адабиётлар, тиббий журналлар, монографиялар, клиник кўрсатмалар ва тадқиқотларнинг маълумотлар базалари тизимли таҳлили ўтказилинди. Асосий эътибор **[Янги туғилган чақалоқлар нажас картаси]** ёхуд **[Stoolcolorcard]** дан фойдаланишга бағишланган ишларга қаратилди.

**Натижалар.** Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, БА касаллигида мавжуд ташхислаш усуллари асосан лабаратор ва инструментал диагностика усулларига қаратилган. Лабаратор ва инструментал текширувлар ташхислашнинг ажралмас қисми бўлишига қарамай, **Stoolcolorcard** дастури кўплаб давлатлар соғлиқни сақлаш тизимида эътиборсиз қолмоқда. Тиббиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида кўплаб мураккаб диагностика асбоб-ускуналари ва усуллари орасида билиар атрезияни ташхислаш учун энг оддий ахлат таҳлили **Stoolcolorcard** ўз аҳамиятини йўқотмайди. Хусусан, Тайванда БА

диагностикаси учун қабул қилинган [*Stoolcolorcard*] дан фойдаланган ҳолда миллий скрининг дастури Касаи операциясининг олдинги кўрсаткичларини 49,4% дан 65,7% гача оширди, шунингдек, профилактикани таъминлади. Ўз жигари билан 5 йиллик омон қолиш даражаси эса 55,7% дан 89,3% гача ошди. Осиё гепатологларининг бу муваффақиятлари Европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларида ушбу усулни оммавий равишда жорий етишга олиб келмоқда. Ушбу усулнинг моҳияти БА билан оғриган боланинг онага ёки бошқа тарбиячига [*Stoolcolorcard*] ни танлаш имкониятини беришдир.

**Хулоса.** Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш асосида, БА хасталигини эрта СКРИНИНГ дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш сабабли касалликни эрта ташхислаш асосида, касаллик сабабли ривожланадиган асоратларни олдини олиш хисобига болалар орасида ўлим кўрсаткичини камайишига сабаб бўлади. Шу сабабли СКРИНИНГ дастурини мамлакатимизда тадбиқ этиш учун жуда муҳим эҳтиёж бор деган хулосага келдик. Бу БА билан оғриган бемор болаларда тиббий ёрдам сифати ва хаёт сифатини оширишга ёрдам беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алиев М.М., Юлдашев Р.З., Нематжанов Ф.З., Тўйчиев Ғ.Ў. “Проблемы диагностики и лечения билиарной атрезии у детей”. /Педиатрия.- 2022. №2 (5).- 273-276 стр.
2. Алиев М.М., Нематжанов Ф.З., Тўйчиев Ғ.Ў., Юлдашев Р.З. “Болаларда обструктив холестаазлар эпидемиологияси”. /Биомедицина ва амалиёт журнали. 7-жилд. 6-сон.
3. Разумовский А.Ю, Рачков В.Е “Хирургия желчных путей у детей” руководства для врачей. Москва 2020.
4. <https://www.labyrinth.ru/books/743396/>.
5. Davenport, M., Parsons, C., Tizzard, S., Hadzic, N. 2013. Steroids in biliary atresia: single surgeon, single centre, prospective study. /Journal of Hepatology. 2013. 59(5). – P.1054-1058.
6. Lampela, H. 2013. Biliary atresia: Treatment Results and Native Liver Function. Helsinki: University of Helsinki.